O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
**PREZIDENTI**

**Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим**

**Кавказ мусулмонлари идораси раиси,**
**Шайхулислом Аллоҳшукур Пошшазода**
**Ҳазратларига**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,**

**Муҳтарам Шайхулислом Ҳазратлари!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган самимий табрикларингиз ва билдирган эзгу ниятларингиз учун Сизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этишдан мамнунман.

Сайловда қозонилган ишончли ғалаба ва Ўзбекистондаги жадал ислоҳотлар ҳақида, маданий-тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш, диний бағрикенглик борасидаги улкан ишлар, шунингдек шаънимга нисбатан билдирган самимий фикрларингиз мен учун ғоятда қадрлидир.

Шу ўринда Сизнинг раҳбарлигингизда Кавказ мусулмонлар идораси қардош ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги яқин дўстлик ва биродарлик ришталарини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳамда алоқаларимизни янги босқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Шунингдек, Сизнинг бутун мусулмон умматининг аҳил ва бирдамлиги, маърифий Ислом ғояларини кенг тарғиб этиш, цивилизациялараро мулоқотни таъминлаш, халқларимиз умумий маънавий-диний меросини чукур ўрганиш борасидаги ибратли амалларингиздан яхши хабардорман ва тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

**Муҳтарам Шайхулислом Ҳазратлари!** Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга Қодир Аллоҳдан узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, жамики хайрли ва савобли ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Чексиз эҳтиром ила,

**Шавкат Мирзиёев**

Тошкент шаҳри
2021 йил 2 ноябрь

*Неофициальный перевод с узбекского языка*

# ПРЕЗИДЕНТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим**

**Председателю Управления Мусульман Кавказа**
**Его Святейшеству**
**Шейх-уль-ислам Аллахшукюру ПАША-ЗАДЕ**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу**

**Уважаемый Шейх-уль-ислам Хазратлари!**

Мне доставляет огромное удовольствие выразить Вам глубокую признательность за искренние поздравления и наилучшие пожелания по случаю моего переизбрания на пост Президента Республики Узбекистан.

Я весьма дорожу Вашими искренними мнения касательно моей убедительной победы на выборах и стремительных реформ в Узбекистане, колоссальной работы по сохранению нашего культурного, исторического и духовного наследия, религиозной терпимости, а также приятными высказываниями с Вашей стороны, выраженные в мой адрес.

В месте с тем, хочу особо подчеркнуть, что под Вашим руководством Управление мусульман Кавказа вносит свой достойный вклад в укрепление уз тесной дружбы и партнерства между братскими узбекским и азербайджанским народами, а также выведение наших отношений на новый уровень.

Одновременно, мне хорошо известно и всецело поддерживаю Ваши образцовые деяния, направленные на укрепление единства и солидарности всей мусульманской Уммы, широкое распространение просвещенных исламских идей, обеспечение диалога цивилизаций и глубокое изучение общего духовного и религиозного наследия наших народов.

**Уважаемый Шейх-уль-ислам Хазратлари!** Пользуясь случаем, Я воздаю молитвы Всемогущему Аллаху ниспослать Вам долгих лет жизни, крепкого здоровья, семейного счастья и больших успехов в Ваших благодеяниях.

С глубоким уважением,

**Шавкат Мирзиёев**

Город Ташкент
2 ноября 2021г.